

## Таъзия



12:41 / 27.07.2025 1054

«Hilol Nashr» нашриёт-матбааси ва Islom.uz портали жамоаси tib.islom.uz саҳифаси ходими Беҳзод Раҳимқул биродаримизга падари бузрукворлари Абдуррауф хожи даданинг вафотлари муносабати билан у кишининг барча оила аъзоларига, қариндош-уруғларига, яқинларига чуқур таъзия изҳор этамиз.

Аллоҳ таоло марҳумнинг бу дунёда қилган барча солиҳ амалларининг ажрини зиёдаси билан бериб, иймонларини саломат қилсин, Ўз мағфиратига олсин, барча саҳву хатоларини кечирсин, раҳматига чулғасин, қабрларини жаннат боғчаларидан қилиб, охиратларини обод айласин, жаннатнинг олий даражаларига етказсин.

Барча мусибатзадаларга сабру салвон тилаймиз, қилган сабрларига Аллоҳ таолодан улкан ажр-мукофотлар сўраймиз.

**Иннаа лиллаахи ва иннаа илайхи рожиъуун!**